

Лаҳн учун уриш



20:43 / 14.07.2017 4167

880. Нофеъдан ривоят қилинади:

«Ибн Умар боласини лаҳнга йўл қўйгани учун урар эди».

Шарҳ: Бу ердаги «лаҳн» ҳарф ва сўзларни бузиб талаффуз қилиш, тил қоидаларини бузиб гапиришни англатади.

Ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг ўғиллари, саҳобалар ичида энг илмли, энг фақиҳ, энг муттақий зотлардан бири, буюк саҳобий Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу фарзандлари сўзларни бузиб талаффуз қилса, хато гапирса, урар эканлар.

Саҳобаларнинг қилган ишлари, албатта, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан олинган таълим-тарбиядан келиб чиқиб қилинган иш бўлади.

Демак, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳунинг бу амаллари нутққа катта эътибор бериш кераклигини кўрсатади.

Фарзандларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиб қўйиш билан иш битмас экан. Ҳатто нутқи, талаффузини ҳам назорат қилиш, чиройли, хатосиз сўзлашларини талаб қилиш лозим экан. Агар болалар ўрганиб қолиб, бу

камчиликни тузатавермаса, ҳатто уришгача рухсат бор экан.

Нутқ ва сўзлашув маданиятига улуғларимиз қанчалар эътибор қаратганлари ҳаммамизга гўзал намуна бўлиши лозим. Аввало ўзимиз сўзлаганимизда ҳар бир сўзимизни тўғри талаффуз қилишга алоҳида эътибор беришимиз керак. Гапирганимизда гапимиз чиройли ва эшитган одам ҳавас қиладиган даражада мукамал бўлиши учун уринишимиз зарур.

Фарзандларимизнинг илмли, маърифатли, маданиятли бўлиши ҳақида қайғурганимизда эса уларнинг нутқ ва сўзлашув маданиятига ҳам алоҳида эътибор беришимиз керак.

881. Абдурраҳмон ибн Ажалондан ривоят қилинади:

«Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ўқ отаётган икки кишининг олдидан ўтди. Улардан бири бошқасига:

«Асабта!» деди.

Шунда Умар:

«Лаҳннинг бузуғи ўқни хато отишдан ҳам ёмонроқдир», деди».

Шарҳ: Бир куни ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу йўлда кетаётсалар, икки киши камон отиб, машқ қиляётган экан. Қарасалар, улардан бири «асобта» деган сўзни «асабта» деб, бузиб айтибди («сод» эмас, «син» ҳарфи билан айтибди). Араб тилида «Асобта» «мўлжалга урдинг» деган маънони билдиради.

Шунда ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу: «Сўзнинг бузуғи ўқ отишнинг бузуғидан ҳам баттар», дебдилар.

Бу гап «Тилнинг жароҳати тилнинг жароҳатидан ёмон» деган маънодаги нақлга ўхшайди. Демак, ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу бу гапни «Камондан отилган ўқ сал хато кетса, ҳеч гап эмас, лекин тилдан чиққан сўз бузиб айтилса, бунинг оқибати ёмонроқ», деган маънода айтибдилар.

Шунинг учун мўмин-мусулмонлар айтаётган гап-сўзларига қаттиқ эътибор беришлари, бир товуш ёки ҳарф ўзгариши билан маъно кескин ўзгариб, бузилиб кетишидан эҳтиёт бўлишлари лозим. Айниқса ибодатда, дуода, намозда бунга қаттиқ эътибор бериш керак.

Бу ҳадисдан эса оддий сўзлашувда, ўзаро гапда ҳам ҳар бир сўзга
эътиборсиз бўлмаслик кераклиги маълум бўляпти.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Одоблар ҳазинаси китобидан)